

Асл мақсад унутилмоқда



03:30 / 30.03.2023 2351

Аллоҳ таоло ҳазрати инсонга унинг жони ва молини қайтариб бергандан кейин, унга тижоратни ҳам, зироатни ҳам, тирикчиликни ҳам жоиз қилди. Бироқ, ўйлаб кўрайлик, биз шу мақсадлар ила дунёга юборилган эдикми? Ҳаётдаги мақсадимиз нима? Бизни У нега сотиб олган эди? Бу харидорликдан мақсад нима эди? У бизга нима вазифаларни юклаган, елкамизга қандай талаблар қўйди?

Тан олиш керакки, бу мақсадларнинг аксари унутиб қўйилди. Бандалар роса тижорат қиляпти, пул топяпти, янада илдамлаш учун елиб-югуряпти, айна шу ўй-хаёлларда эртаю кеч машғул. Намозда ҳам хаёли паришон. Қалби бир ёқда, хаёли бир ёқда, ўзи умуман бошқа ёқда. Тез-тез намозини ўқийди-да, ортига қайтиб тижоратига шўнғийди. Гоҳо масжидга келишга

ҳам имкони бўлмайди. Уйида ўқиб ола қолади. Гоҳо намозни ўқимай ҳам қўяди, қазо қилади. Натижада, дунёвий ва тижорий ишлар инсон устидан секин-секин ғолиб келди.

«Рамазонни қандай ўтказамиз?» китоби асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 4 апрелдаги 02-07/2234-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.